

### Paydalanılğan ádebiyatlar

1. Ismailov A. «Qorakoz-qozoq Julettasi». Oriental Art and Culture 5.3 (2024): 617-623.
2. Ismailov A. «Ustoz taqdiri» spektaklida zamondosh obrazlar talqini" Golden brain 1.13 (2023): 165-b.
3. Arastu. Poetika. – T: Yangi asr avlodi, 2012. 40-b.
4. Ansatbaev N. Teatr hám aktyor, sabaqlıq. 2020. 207-b.
5. Dramanıń tıp nusxası.

**REZYUME.** Bul maqalada Qaraqalpaq mámleketlik jas tamashagóyler teatrında sahnalastırılğan A.Raxat qálemine tiyisli “Tuwıǵan kúniń menen, Anajan!” spektakli hám ondaǵı rejissyorlıq sheshimniń nátiyjesi haqqında pikir bildirildi.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье высказано мнение о спектакле «С днем рождения, Мамочка!» и результатах его режиссерского решения, поставленного в Каракалпакском государственном театре юного зрителя.

**SUMMARY.** This article discusses on the play “Happy Birthday, Mama!” and the results of its director's decision, which was staged at the Karakalpak State Theater of Young Viewers.

### ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТМАГАН САҲНА АСАРИ

Исмайлов Ажинияз Есбергенович – ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

**Таянч сўзлар:** театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, ижодкор, репертуар, декорация.

**Ключевые слова:** драматург, театр, актёр, режиссёр, спектакль, создатель, репертуар, декорация.

**Key words:** theater, playwright, actor, director, play, creator, repertoire, decoration.

Ўтган асрнинг сўнги чораклигида ўзининг қайноқ ижоди билан қорақалпоқ драматургиясининг гуллаб-яшнашига салмоқли хисса қўшган драматург, Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги давлат мукофотининг лауреати Кенесбай Рахмановнинг ижодини кўздан кечирсак, унинг саҳна асарларининг турли жанрларда ёзилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бир-бирини такрорламайдиган «Ярадор юраклар», «Кечиккан баҳор», комедия жанридаги «Келин», «Тўққиз тўнқилдоқ, бир чанғилдоқ», «Инжикнинг муҳаббати», «Лаққилар шифохонада» ва бошқа саҳна асарлари театр саҳналарида муваффақияти саҳналаштирилди.

Драматург К.Рахмановнинг замон танламайдиган саҳна асарларидан бири «Нариги дунёга таклиф» («О дуньяға мирэт») спектакли дастлаб 1976 йили режиссёр Н.Ансатбаев томонидан саҳналаштирилиб саҳна юзини кўрди. Асар 2010 йили қайта қўлга олиниб, «Ўғрини қароқчи босди» номи билан томошабинларга тақдим этилди. [1.141,154.]

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театри трагик-комедия жанрида ёзилган мазкур асарни 2024 йили қайта қўлга олиб, уни саҳналаштиришдаги

асосий сабабларининг бири саҳна асарининг мавзуси ва ғоясида. Драма жанрига айлантирилган ва «Жар» номи билан оммага тақдим этилган спектаклни режиссёр Марқабай Усенов саҳналаштирди. Спектаклда бугунги кундаги долзарб бўлган фарзанд тарбиясига бефарқлик, молу-давлатга ружу қўйиш, давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши кураши мавзулари кўтарилган. Деярли эллик йил аввал ёзилган асардаги воқеаларни бугунги кун билан боғлаш ва аҳамиятини оширишдек маъсулиятни муаллифнинг қизи Гавҳар Раҳмонова ўз зиммасига олди. Орадан анча йиллар ўтиб кетганлиги сабабли асарга баъзи воқеаларни қўшишга тўғри келган ва ушбу драмадаги воқеалар шу кунларда бўлиб ўтади.

Бойликнинг ортидан қувган ота, Дубайга дам олиш учун кетган, уйда қолган она эса пул учун эрига зўрға чидаб юрган жабирдийда кўринишда гавдаланади. Ёлғиз ўғил Норпўлат (Муҳаммедали Кенжеев) ота-онасининг соясида кайфу-сафо қилиб юрган меросхўр, тантиқ ўсмир. Уларнинг оиласида меҳр-оқибат туйғулари, инсонийлик сифатлари кўтарилгани яққол намоён бўлиб туради.

Онасининг машинасини ҳайдаб чиқиб кетган Норпўлат билан бахтсиз ҳодиса юз беради. Асарнинг тугуни мана шу ердан

бошланади. Оилавий бир таниши Шерниязнинг (Руслан Қайпназов) ўз муаммосига ечим излаб турганида, Норпўлат велосипедли кизни машинада уриб юбориб, ўзи қочиб кетганини эшитган Улпери (М.Мамбетмуратова) саросимага тушиб қолади. Асардаги воқеалар ривожланиб бориши билан бу оиланинг бошига шиддатли мудҳиш воқеалар ёмғир каби ёға бошлайди.

Дастлаб, Шернияз дўконда текшириш томонидан топилган камоматни қоплашдан умид қилиб, Тошпўлатни (Данияр Қудайназаров) Дубайдан чақиртиради. Ўғлининг ташвиши устига яна ташвиш бўлиб қўшилган воқеа – бу йиғилган бир чемодан долларларни ўғирлаб кетишгани бўлди. Бу воқеадан милициянинг хабар топишини истамаган учовлон, вазиятдан чиқиш учун жиноят изидан яна жиноят содир этишади.

Қўшнисидан гумонсиратган Тошпўлат ва Шернияз Улперини зўрға кўндириб, қўшнисининг ҳовлисига туширади. Уларнинг ҳаёлида: пулни ўғирлаган қўшниси пулларни молхонага яширишган. Лекин иш силлиқ кетмайди, Улперини ўғирликга тушган қўшни ҳовлидаги ийт тишлаб олади. Чигал воқеалар мана шу воқеадан кейин ойдинлаша бошлайди. Норпўлат одам уриб юбормагани, унинг ўзи ноқобил дўстларииннинг қурбонига айлангани, бир чемодан пул ҳам “дўстлар” томонидан ўғирлангани кўрсатилади. Бу воқеаларга чидай олмай, ақлдан озаган Улпери уйига ўт қўяди ва ўзи ҳам қурбон бўлади.

Асардаги воқеалар шиддат билан ривожланиб борганини кўришимиз мумкин. Бироқ воқеалар аввалида бир-бирига боғлиқлик суст кечади, Аниқ мақсадга хизмат қилмайдиган воқеаларнинг кўплиги дастлаб уларнинг ортиқчадек туюлганини яширмаймиз. Ички ишларни суриштурувлари орқали мудҳиш жиноятлар барчаси бир чизикқа тизилади. Шунданг сўнггина тушунарсиз кўп воқеаларга ойдинлик киритилади.

Спектакль сўнггида финал икки маротаба берилди. Тошпўлат милиция ходими олдида ҳамма ишларни бости-бости қилиш учун унга пора таклиф этиб, шу вақтгача қилган жиноятлари устига жиноятни ямаб турганида, милиция Тошпўлатга ҳали хабар топмаган воқеалар тафсилотини етказади. Тошпўлат шу ерда баридан айрилганини англаб етади. Шу ерда биринчи финал кўрсатилган бўлса, бундан кейин яна финал берилади, яъни Тошпўлатнинг чет элдаги кизи келиб, она қабри бошида намоён бўлади.

Арасту ўзининг “Поэтика” асарида асар ечими ҳақида шундай дейди: “Ҳар қандай трагедияда тугун ва ечим бўлиши зарур. Драмадан ташқаридаги барча воқеалар, шунингдек, баъзан драманинг ичидаги айрим воқеалар - тугун, қолганлари эса - ечимдир.

Мен трагедиянинг бошланишидан то (қахрамоннинг) бахтсизликдан бахтиёрликка ёки бахтиёрликдан бахтсизликка томон ўтиш ҳаракати бошланган чегарагача бўлган қисмни тугун деб атайман. Ана шу ўтиш бошланган жойдан (асарнинг) охиригача булган қисм - ечимдир.” [2.45.]

Саҳна безагидаги айрим декорацияларнинг ғояга эришишдаги хизмати яқун топмаган. Прологда катта ойнанинг олдида бир киз ўтириб, ўз аксини кўрганидан сўнг чўчиб тушади. Кейинги саҳна кўринишларида ойнадан деярли фойдаланилмайди. Лекин прологда катта темир тўрнинг туриши персонажларнинг қилмишларига яраша борадиган жойини акс эттирган. Тошпўлатнинг уй интёрери саҳна устига қурилган саҳнага ўхшаб қолган. Чунки, баланд зинапойлар актёрларнинг ундан миниб-тушишига ноқулай бўлди. Ҳаттоки, томошабин спектаклни кўриб ўтириб, актёрлар “йиқилиб кетмасмикин” дея ҳавотирланиб ўтирди.

Актёрлар ижросига тўхталадиган бўлсак, Тошпўлат ролидаги Данияр Қудайназаровнинг ижроси ўз қахрамонига мос тушмагандек, назаримизда. Даниярнинг ўз образини яратишидан унинг қахрамони гапга эрувчи, бўшанг эркакдек кўринди. Аслида Тошпўлат қаҳри қаттиқ, оиласига бефарқ, бола тарбиясини эса аёлига ташлаб қўйган, ҳаётда пулни ҳамма нарсадан устун қўйувчи инсон. Данияр Қудайназаровнинг ижросида эса бу характер яққол кўзга ташланмайди. Лекин Улпери ролидаги Мийригул Мамбетмуратова ва сақов хизматкор Нургул – Замира Юнусова ўз ролларини яхши ижро этди.

Асардаги воқеаларни бугунги кундаги аҳамиятини муҳокама қилар эканмиз, ҳозирги вақтдаги айрим ота-оналарнинг молу-дунё изидан қувиши ва оиласига бефарқлиги, натижада фарзандлар тарбиясини издан чиқариб қўйётганлиги, жиноий ишларни коррупция йўли билан ҳал қилишга бўлган урунишлари каби ҳолатларни бугунги турмушимизда тез-тез эшитиб, гувоҳи ҳам бўлиб турганимиз ҳақиқат.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қорақалпоқ театри тарихида бир асарнинг узок йиллар театр репертуарида яшаши аслида

асарнинг мохирлик билан ёзилганлиги ва мавзуси, ғояси замон ва макон танламаслигида. Янги спектаклнинг жанри ўзгартириб, асар ўзининг композицион тузлишини бироз чалкаштириб қўйган бўлса да, мавзу ва ғоясининг аниқлигини, тарбиявий аҳамиятини сақлаб қола олган. Театр ижодкорларининг бугунги томошабинга айтмоқчи бўлган муҳим гапи ҳам мана шулар, аслида.

Пул ва молу-давлатни ҳамма нарсадан устун қўйиб, меҳр-оқибат, тарбия масаласи ва эзгу фазилатлар ҳақида гап кетганда энсаси қотадиган айрим ота-оналар учун мазкур спектакль дарс бўлиб, кўзларини очиб қўйса, театр ижодкорлари ўз олдига қўйган мақсадларига эришган бўларди. Чунки, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий театрнинг эзгу мақсадларга хизмат қилиши ҳақида “Театр - ибратхонадур” дея, қисқа ва маъноли иборани авлодларга мерос қолдирган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

4. Ансатбаев Н. Театр ва актёр, дарслик. 2020.141-154 б.
5. Арасту. Поэтика. – Т: Янги аср авлоди, 2012. 45-б.
3. Асарнинг асл нусхаси.

**РЕЗЮМЕ.** Бу мақолада Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида қайта сахналаштирилган К.Рахмановнинг “Жар” спектаклининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз бўлади.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье рассказывается о достижениях и недостатках пьесы К.Рахманова "Жар" переданной в Каракалпакском государственном академическом музыкальном театре имени Бердаха.

**SUMMARY.** This article discusses the achievements and shortcomings of K.Rahmanov's play "Jar" which was presented at the Berdaq Karakalpak State Academic Musical Theatre.

### **ТЕЛЕВИЗИОННАЯ КАРТИНА МИРА КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ В ЖУРНАЛИСТИКЕ**

**О.Кдырниязова – преподаватель**

*Нукусский филиал Государственного института искусств и культуры Узбекистана*

**Таянч сўзлар:** ОАВ, телевидение, теледастурлар, журналистик суриштирув, телеэкран.

**Ключевые слова:** СМИ, телевидение, телевизионные программы, журналистское расследование, телеэкран.

**Key words:** mass media, television, television programs, investigative journalism, television screen.

Сегодня наблюдается бурное развитие журналистики расследований. Этот вид журналистской деятельности играет важную роль в укреплении демократического строя и защите интересов общества. Такие материалы призваны служить интересам общественности, раскрывают преступления, злоупотребление властью, проявления некомпетентности и коррупции. Главной задачей расследования является обеспечить права аудитории на получение достоверной и исчерпывающей информации, представляющей общественный интерес. Союзниками журналистов-расследователей являются сильные общественные организации и активные и неравнодушные граждане, а наибольшими врагами - апатия гражданского общества,

усталость от острых тем и отсутствие системной борьбы с коррупцией [1.21].

Журналистика расследований считается эффективной формой контроля гражданского общества за институтами власти и управления. Примат факта, исповедующего расследование, дает возможность показать, что происходит в обществе, каково это общество, какие изменения ему нужны. С помощью расследований СМИ осуществляют своеобразную социальную диагностику, поскольку показывают картину социальной жизни, выявляют важные проблемы, предоставляют информацию, необходимую людям для принятия обоснованных решений, активизируют общественное мнение и таким образом способны влиять на решение назревших проблем.